O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 26-aprel • Seshanba • 52 (27.387) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎзХДП ҳаётидан

ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия ташкилотининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки якунлари, ЎзХДПнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури тўғрисида, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишидаги иштироки, 2004 йилдаги молиявий ҳисобот ва 2005 йилги бюджетнинг асосий кўрсаткичлари муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л.Ғуломов маъруза қилди.

Музокараларда пойтахтдаги 50-мактаб директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Светлана Герасимова, ЎзХДП МК раиси ўринбосари Михаил Ельшов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳининг раҳбари Гулчехра Охунова, Алишер Навоий номли давлат кутубхонаси ходими Любовь Горбунова, Шайхонтоҳур туманидаги «Эшонгузар» маҳалласи раиси Насибутдин Мўминов, ЎзХДП Яккасарой туман кенгаши биринчи котиби Толиб Сайфуллаевлар иштирок этдилар. Улар билдирган асосий фикр — партия ташкилотининг ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳи фаолиятини партиянинг сўллик позициясидан келиб чиқиб, янада кучайтириш ва шу орқали пойтахт аҳолисининг ишончи ва эътиборини кўпроқ қозониш ҳақида бўлди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Латиф Ғуломов Тошкент шаҳар партия кенгашининг раиси Виктор Медведев, Шавкат Файзиев ва Гулчехра Охуновалар раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

(Ўз мухбиримиз)

МАКТАБ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

«Ўзэкспомарказ»да умумтаълим мактабларини мебель, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан таъминлаш юзасидан республика кўргазмаси иш бошлади

Маълумки, Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Республика Халқ таълими вазирлиги ушбу Фармон ва у асосида қабул қилинган ҳукуматимизнинг қатор қарорларида кўзда тутилган мақсадларни бажариш юзасидан бир қанча амалий ишларни бошлаб юборди. Мактабларни замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан таъминлаш ана шулар жумласидандир.

Кўргазмани халқ таълими вазири Туробжон Жўраев кириш сўзи билан очар экан, йиғилганларнинг эътиборини намойиш этилаётган ҳар бир жиҳоз эртага мактабларга кириб бориши, бинобарин бугун уларни холис ва талабчанлик билан баҳолаш зарурати борлигига қаратди. Шунингдек, бу йил мактабларга жиҳозлар сотиб олиш учун **41.910.0 миллион** сўм маблағ бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилиши режалаштилаётгани, бу эса **2735 та мактаб**ни зарур ускуналар, компьютер техникаси ва ўқув қуроллари билан таъминлашга сарфланишини таъкидлади.

Ушбу кўргазмага 47 та маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жалб этилган. Улар томонидан умумтаълим мактабларининг кимё, физика, биология, кимё-биология фан кабинетлари жиҳозлари, компьютер, лингафон, маънавият, расм-чизмачилик синфхоналари ҳамда кутубхона, ошхона, устахона учун керакли мебеллар, спорт анжомлари намойиш этилмоқда.

Рустам САТТОРОВ, «Элхолдинг» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси:

— Корхонамиз 1988 йилда ўз фаолиятини бошлаган. 1998 йилдан буён барча илм даргоҳлари учун зарур жиҳозлар ишлаб чиқариб келаяпмиз. Бундан 5-6 йил олдин цехларимизда 9 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 350 тага етди. Корхонамизда асосан физика, кимё, биология синфхоналари ва лабораториялари жиҳозлар тайёрланади. Барча маҳсулотларимиз замон талабларига мос, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган. Бугунги кўргазмага қўйилган учта синфхонамизда 1600 турдан ортиқ ўқув қуроллари ва асбоб-ускуналарни намойиш қилмоқдамиз.



Ходихон ҲАМИДОВ, Жиззах туманидаги 13-ўрта мактаб кимё фани ўқитувчиси:

— Мазкур кўргазма янги жиҳозларга бойлиги билан менда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир асбоб-ускуна алоҳида дид билан тайёрланган. Шу ўринда, баъзи жиҳозларда камчиликлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, мен мутахассис сифатида айрим моддаларни сақлашда янада чидамли идишлардан фойдаланиш лозим деб ўйлайман.

Бизнинг ўқувчилик давримиз мустабид тузум йилларига тўғри келган. Кечагидек эсимда, зил-замбил мактаб парталари қоп-қора рангга бўялган бўларди. Уларни ўрнидан қимирлатиш учун кучимиз етмасди. Истиқлол фарзандлари қанчалар бахтли. Эртага мана шу жиҳозлар мактабларга кириб боради. Компьютерларни айтмайсизми? Бундай жиҳозлар ўзбек мактаблари қиёфасини тубдан ўзгартириб юборишига ишонаман.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Гулнора ҚЎЧҚОРОВА, Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими мудири, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби:

— Туманимизда 36 та мактаб мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларнинг 70 фоизида ўқитувчилар учун бир хил кийим жорий қилинган. Биз ушбу кўргазмадан жуда катта мақсадларни кўзлаганмиз. Жиҳозлар ичида, айниқса компьютер синфи ва лингафон хонаси мутахассисларимизга маъқул бўлди.

Асқар РАСУЛОВ, Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш корхонаси раҳбари:

— Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилингач, ўқув-техник воситаларни такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, бизнинг корхонамиз спорт жиҳозларини тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, Халқ таълими вазирлиги ўтказаётган тендерларда мунтазам иштирок этиб келаяпмиз. Бугунги кўргазмага 33 хил турдаги спорт анжомларини қўйдик. Уларнинг 24 тури, яъни гимнастика жиҳозларининг ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилади. Худо хоҳласа, келгуси йилларда барча турдаги спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш ниятидамиз.

✧✧✧

Кўргазма иштирокчиларининг қалбида ҳаяжон, кўзларида қувонч. Демак, эртага мактабларимиз бошқача бўлади. Фарзандларимиз мана шу илм масканларида жаҳонни лол қолдирадиган кашфиётлар яратадилар.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

26 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

ХАЛҚИМИЗ ИФТИХОРИ РАМЗИ

Олий унвону орденлар ҳар бир юртнинг озодлиги, шон-шуҳрати, куч-қудрати рамзи саналади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизнинг тарихий анъаналарини, миллий қадриятларини, бой маънавиятини ўзида акс эттирган орден ва медаллар таъсис этилди.

Ватанимизнинг энг юксак орденларидан бири соҳибқирон Амир Темур номи билан аталгани бежиз эмас. Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бой тарихимиз, улуғ боболаримиз шахсияти, меросига муносабат тубдан ўзгарди.

Жумладан, Амир Темур номи ҳам халқимизнинг яна фахру ғурурига айланди.

1996 йилда унинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур орден ҳам ана шу қутлуғ сана арафасида таъсис этилди. У юртимизда тарихий анъаналаримиз, эзгу қадриятларимиз қайта тикланаётганининг яна бир далили бўлди.

Соҳибқирон бутун ҳаёти ва салоҳиятини ўз халқининг эрки ва фаровонлиги, юрт ободлигига бахшида этган. Куч-қудратини бунёдкорлик ишларига сарфлаган.

Амир Темур орденига битилган «Куч — адолатда» сўзлари жаҳонгир фаолиятининг асосий шиори бўлганини яхши биламиз.

Амир Темур ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотланадилар.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунга кўра, 1996 йил 28 августда, соҳибқироннинг қутлуғ юбилейи арафасида Президент Фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Соҳибқироннинг ҳукмдорлиги йилларида бу икки шаҳар янада юксалган, фан ва маданияти гуллаб-яшнаган. Уларда Темурийлар даврида бунёд этилган тарихий обидалар бугунги кунда ҳам етти иқлимдан келган сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиши бежиз эмас.

2-бет

Парламент фаолияти

СУД ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Суд тизими самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, суд ва прокуратура тизими, судьялар ва адвокатлар ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар асосида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келгани таъкидланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими бўйича мутлақо янги концепция ҳаётга татбиқ этилиб, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция тартибида кўриб чиқиш институти жорий этилди, тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди.

Анжуман иштирокчилари судларда фуқаролик ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, судьялар мустақиллигини таъминлашда прокурор ваколатларининг аҳамияти, хўжалик судларида иш юритишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎзА)

Диққат, янги рукн! ИҚТИСОДИЁТ: ДАЛИЛ, ТАҲЛИЛ ВА ШАРҲ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

маҳаллий хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар кириб келишининг, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишнинг, якуний натижада барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили

«...Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак».

Ислом КАРИМОВ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг биринчи қўшма мажлисида мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация қилиш ва ислоҳ этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларга муфассал тўхталиб, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш юзасидан стратегик йўналишларимизнинг устувор тамойилларини аниқ белгилаб берди.

Мазкур йўналишлар, тамойиллар ва вазифаларнинг моҳият-эътиборига кўра оммавий ахборот воситалари ҳар галгидек бундан буён ҳам республикамиз халқ хўжалиги тармоқларида тобора кенг кўлам билан, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасини ёрқин далиллар, салмоқли рақамлар, қиёсий таҳлиллар асосида мунтазам ёритиб боришлари лозим бўлади, деган фикрдамиз.

Айни шу нуқтаи назардан газетамиз бугундан эътиборан «ИҚТИСОДИЁТ: ДАЛИЛ, ТАҲЛИЛ ВА ШАРҲ» номли янги рукн очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони шарҳига бағишланган таҳлилий мақола билан ушбу янги рукн очилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларининг янги босқичидаги асосий вазифаларимиз, стратегик йўналишларимиз Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида батафсил баён қилинди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, дунёда глобаллашув жараёни кетаётган бир пайтда, энг катта ресурсларга ва салоҳиятга эга ривожланаётган давлатлар ҳам ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўймасдан, хорижий капитални иқтисодиётга жалб қилмасдан юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаслигини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида дунё ҳамжамияти, хорижий инвесторлар учун умуман нотаниш бўлган юртимизга уларнинг эътиборини қаратиш, ўз бизнесини ташкил қилишга қизиқиш уйғотиш осон кечмади. Юртбошимиз чет мамлакатларга қилган расмий ташрифларида, давлат раҳбарлари ва хорижий ишбилармон доира вакиллари билан бўлган учрашувларда, халқаро анжуманларда Ўзбекистонда бой табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёси, малакали иш кучи мавжудлиги, энг муҳими халқимизнинг меҳнаткашлиги ва тадбиркорлиги ҳақида кенг маълумотлар бериб борди.

Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини таъминлашга қаратилган «Хорижий инвестициялар тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунлар, қатор Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бизда хорижий инвесторлар учун МДҲ давлатлари орасида энг қулай инвестиция муҳити яратилди

Юртимиздаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва осойишталик туфайли ҳукумат кафолатисиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми фақатгина 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 1,6 марта ўсган бўлса, 2004 йилда ушбу кўрсаткич 1,5 мартага кўпайди. Уларнинг асосий қисми биз учун устувор ҳисобланган реал сектор тармоқларига йўналтирилди. Бу, авваламбор жаҳонда давлатимизга ва унинг иқтисодиётига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари танлаган тараққиёт йўли тўғри эканини нафақат жаҳон тажрибаси, балки қисқа вақт ичида ўзимиз тўплаган тажрибалар ва амалдаги ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди.

Бунинг бир мисоли сифатида республикамизга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг минтақалар бўйича тақсимланишини кўздан кечирайлик. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестиция қайси вилоятга, қайси шаҳар ва туманларга кўп киритилган ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма корхоналар кўп ташкил этилган бўлса, айнан ўша ҳудудда иқтисодий ва саноат ривожланиш кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Уларда аҳоли турмуш даржасини кўтаришнинг асосий омили ҳисобланган аҳоли даромадлари ва ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари бошқа минтақаларга нисбатан юқори бўлиши таъминланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аввалги ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, аҳоли сони тез ўсиб бораётган ва ортиқа иш кучи мавжуд бўлган минтақаларда қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш корхоналарини технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига хорижий инвестицияларни янада кенг жалб этишга қаратилган.

Ушбу Фармон кенг жамоатчилик ва хорижий ишбилармонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Унинг қабул қилиниши юртимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келишини кенгайтириш, биз учун устувор ҳисобланган иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини замонавийлаштириш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўтариш, давлатимизнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграллашув жараёнини чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар очиб берди, десак, муболаға бўлмайди.

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фармонда шу йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор ҳисобланган тармоқлар корхоналари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этган тақдирда, улар асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналарга белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинадилар.

Солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатлари киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача табақалаштирилган.

Бизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналарга солиқ ва божхона тўловлари тўлаш бўйича қатор имтиёзлар берилган. Лекин ушбу фармон бўйича берилган солиқ имтиёзлари ўзининг кенг қамровлилиги, узоқ муддатлилиги, кўплаб тармоқларни ўз ичига олганлиги, мамлакатимиз минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни инобатга олганлиги билан олдингиларидан фарқ қилади.

Маълумки, Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг табиий ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос ва мос ўрин эгаллаш йўлидан бормоқда. Бизнинг хўжалигимиз, биринчи навбатда, ўзимизда мавжуд бўлган бой ресурсларга таянган ҳолда бошқа давлатларга нисбатан арзон тушадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда республикамиздаги бой қишлоқ хўжалиги хомашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида фармонда енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатининг биз учун ўта муҳим ҳисобланган айрим тармоқлари корхоналарига киритилган хусусий хорижий инвестицияларга солиқ имтиёзлари берилди.

Улардан ташқари фармонда аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабларини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини янада ошириш, маҳаллий хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида янги қурилиш материаллари, дори-дармонлар, маиший химия ва синтетик кир ювиш воситалари, ҳамда радиоэлектроника саноати маҳсулотлари, компьютер ва ҳисоблаш машиналари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш мақсадида киритилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларга солиқ имтиёзлари қўлланилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Ушбу фармон юқорида келтирилган тармоқларни жадал ривожлантиришга қанчалик катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини охирги йилларда хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этиш натижасида текстил саноатида содир бўлган таркибий ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, 90-йилларнинг бошига келиб, аксарият саноат корхоналарида технологик линиялар, асбоб-ускуналар жисмонан ишдан чиққан, маънавий эскириб қолган эди. Республикамизда пахта толасининг атиги 8 фоизи қайта ишланган, холос. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати эса ўта паст, жаҳон стандартлари умуман жавоб бермас эди. Ишчиларга яратилган шарт-шароит эса ҳатто энг оддий талаблар даражасида эмас эди. 4 та йирик шаҳарда жойлашган корхоналарга ишчи-хизматчилар 60-70 километр узоқликдаги қишлоқлардан автобусда ташиб олиб келинар эди.

Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ давлатимиз раҳбари томонидан бундай номутаносибликларни бартараф қилиш, текстил саноати корхоналарини тубдан янгилашнинг аниқ стратегик йўли ишлаб чиқилди ва шу асосда дастурлар қабул қилинди.

Чет эл сармояларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган янги корхоналар қуриш, эскиларига илғор технологик жиҳозлар ўрнатиш йўли билан рақобатбардош ва импортни ўрнини босадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кичик ва ўрта ҳажмдаги замонавий техника ва технологияларга асосланган янги корхоналар қуриш, эскиларига замонавий технологик жиҳозлар ўрнатиш йўли билан рақобатбардош ва импортнинг ўрнини босадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, ихчамлашган кичик ишлаб чиқаришлар бозор талабларига тезроқ мослашади. Уларни қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестициялар эса қисқа вақт ичида ўзини қоплайди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, фақат пахта хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орқали оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз баробар кўпайтириш ва хазинамизни экспорт ҳисобидан валюта билан тўлдириш мумкин. Албатта, бу ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон этишга хизмат қилади.

1995 йилдан бошлаб енгил саноат тармоғига 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар киритилди. Фақатгина 2004 йилнинг ўзида 180 миллион АҚШ доллари қийматидаги 17 та лойиҳа амалга оширилди. Шу йили ушбу тармоққа жами саноатга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 50 фоиздан ортиғи тўғри келди. Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар иштирокида 40 дан ортиқ корхоналар ташкил қилинди. Енгил саноатда кичик ва ўрта корхоналарни хомашё ва меҳнат ресурсларига яқинроқ жойлаштириш асосий тамойил сифатида танланди.

Улардан ташқари ўнлаб мавжуд енгил саноат корхоналари реконструкция қилинди. Улардаги алмисоқдан қолган, қора мойга беланиб ётган дастгоҳлар ўрнига ривожланган хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий, серунум йигирув ва тўқув дастгоҳлари ўрнатилди ва ўрнатилмоқда.

Бу кенг кўламли ишлар қисқа вақт ичида ўзининг амалий натижасини бера бошлади. Барча вилоят ва шаҳарларда бир-бирлари билан тенг рақобатлаша оладиган турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналарда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Минтақаларда истеъмол моллари билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси ошди.

2004 йилда пахта толасининг 28 фоизи ўз корхоналаримизда қайта ишланди. Агар дастлабки йилларда мамлакатимиз экспорт таркибида пахта толасининг улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, ҳозир 18 фоиз атрофида. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот экспорт қилиш 2004 йилда 1994 йилга нисбатан 36 бараварга ошди. Айтиш керакки, пахтадан тайёрланган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 2004 йили тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоизга ўсди.

Шу йилнинг бошида 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш Дастури қабул қилинди. Республикамизнинг барча минтақаларида жами қиймати 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган 100 га яқин лойиҳа амалга оширилади.

Ушбу Дастур бўйича тўқимачилик корхоналари пахта хомашё базасини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, иш билан таъминланмаган меҳнат ресурслари даражаси юқори бўлган қишлоқ туманларида жойлаштирилади. 46 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Натижада пахта толасини қайта ишлашнинг тугалланган технологик циклига эга бўлган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардошли тўқимачилик товарлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва уларнинг камида 80 фоизини хорижга сотиш имкони туғилади. Уларнинг экспорт ҳажми 1 миллиард 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Фармонига асосан 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январигача тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинган эди. Шу йилнинг бошида ушбу солиқ имтиёзлари Ҳукумат қарори билан 2009 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Янги фармонда хорижий инвестицияларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилиши юқоридаги дастурни изчил амалга оширишга янада кенг имкониятлар очди.

Ушбу фармоннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири корхоналарга солиқ имтиёзлари беришда мамлакатимиз минтақалари саноат ривожланиш ва улардаги ижтимоий-иқтисодий муоммаларнинг кескинлик даражаси инобатга олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳудудида жойлашган, фармонда кўрсатилган тармоқлар корхоналарининг барчасига солиқ имтиёзлари қўлланилади. Чунки ушбу минтақалар иқтисодий ва саноат ривожланиш даражаси жиҳатидан республикамизнинг нисбатан орқада қолаётган минтақалари ҳисобланади. Қолаверса, истиқлол йилларида ушбу минтақаларига энг кам миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Уларда аҳолининг табиий ўсиш суръати шаҳарларга нисбатан анча юқори. Унинг устига қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг бир қисмини бошқа тармоқларга ўтказиш лозим.

Ушбу муаммони ҳал қилишда ҳам Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан бормоқдамиз. Бу йўлнинг асосий тамойили эски «гигантомания» сиёсатидан тўлиқ воз кечиш, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда халқимизнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мойиллиги йўқлигини ҳисобга олиш; содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, корхоналарни одамларга яқинлаштиришдан иборатдир.

Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда аҳоли зич жойлашган, қишлоқ хўжалиги хомашёсига бой ҳудудларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, 2001-2005 йилларда республикамиз минтақаларида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ қишлоқ туманларида 300 га яқин қўшма корхоналар ташкил этилиши лозим.

Яқин вақтгача қишлоқларда замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган саноат корхоналари қуриш мумкинлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас эди. Ҳозир у реал воқеликка айланди. Авваллари битта оддий цех қурилмаган узоқ чекка қишлоқларимизда ҳам бугунги кунда маҳаллий хомашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий қўшма корхоналар барпо этилди. Қишлоқ ёшлари замонавий билим ва малакаларни эгаллаб, мураккаб дастгоҳларда ишламоқда. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўплаб чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Фармоннинг қабул қилиниши ушбу жараённи янада тезлаштиради, янги босқичга кўтаради. Чунки, унда Андижон, Наманган, Фарғона ва Навоий вилоятларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар қишлоқ аҳоли пунктларига жойлаштирилган тақдирда солиқ имтиёзлари қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Маълумки, Фарғона водийсида аҳоли ўта зич жойлашган. Айниқса, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Навоий вилоятининг ушбу гуруҳга киритилишидан мақсад — шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги саноат ривожланиши бўйича номутаносибликни бартараф этишдан иборат. Чунки мустақиллик йилларида мазкур вилоят шаҳарларида саноат ривожланиши кескин даражада ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу Фармонда берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, унинг ижросини тўла таъминлаш кўп жиҳатдан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташкилотчилик фаолиятига боғлиқ. Улар ўзларидаги бор табиий-иқтисодий салоҳиятни чуқур ўрганиб чиқишлари ва хорижий инвесторларга тўлақонли ахборот бериш тизимини йўлга қўйишлари лозим.

Куни кеча Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида жумладан шундай деди: «...Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак».

Бу ўринда табиийки, ниҳол тимсолида юртимизда катта орзу ҳаваслар билан қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар назарда тутилмоқда.

Шу маънода ушбу фармоннинг қабул қилиниши иқтисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар жараёнини тезлаштиришга, хусусий сектор мавқеини ошириш орқали рақобат муҳитини кучайтиришга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва бошқа хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга, охир-оқибат мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Авазбек СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди

ЎзХДП ҳаётидан

«ОИЛАДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ НЕГИЗИ»

мавзуида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбасининг навбатдаги тадбири бўлиб ўтди

Маълумки, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар даврида хотин-қизларнинг оилада, жамоада, маҳаллада, жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашга, нуфузини кўтаришга, юз бераётган сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони хотин-қизларимизни, аввало, ижтимоий муҳофазалаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг белгисидир.

Хайрли мақсадлар йўлида ташкил этилган ЎзХДП МК ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбаси бугунги кунда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилада маънан ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг турли ёт оқимларга қўшилиб қолмаслиги, вояга етмаганлар ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими, маънавий-маърифий савиясини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда.

Куни кеча «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлаб ташкил этилган «Оилада соғлом маънавий муҳит негизи» мавзуидаги катта маданий-маърифий тадбир бунинг исботидир. Муқимий номли мусиқали драма театрида ўтказилган анжуманда шўъба аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тиббиёт ходимлари, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни ЎзХДП МК ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбаси раҳбари Гулнора Йўлдошева очиб, тадбирнинг мазмун-моҳияти, шўъба томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Шундан сўнг партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг раҳбари Аслиддин Рустамов сўзга чиқиб, жорий йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинишининг аҳамияти, унинг замирида ётган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун махсус давлат дастури қабул қилинганлиги ва уни бажаришда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, муассасалари, фаолларининг бевосита иштироки тўғрисида гапирди. Шунингдек, янгиланаётган жамиятимизда ва ЎзХДП фаолиятида хотин-қизларнинг муҳим ўрин эгаллаётганлиги, партия аёлларимизнинг оиладаги ролини юқори баҳолаши, оила мустаҳкамлиги, ундаги маънавий муҳит кўп жиҳатдан оналаримизга боғлиқлиги, шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш лозимлигини таъкидлади.

Лола ИСМАТОВА, ЎзХДП Сирғали туман кенгаши раиси:

— Бизнинг Сирғали туман кенгашида ҳам аёллар қаноти ташкил этганмиз. Бугун бу ерга туманимиздаги фаол аёллар, ибратли оналарни таклиф қилдик. Улар ўзларининг тажрибалари, ҳаётий кузатишларидан келиб чиқиб фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Бу ЎзХДП МК ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбасининг навбатдаги тадбири ҳисобланади. Бундан ташқари Марказий Кенгашимизда бир неча марта аёллар муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, фаол аёлларимиз иштирокида хотин-қизлар муаммоларига ечим топиш. Масалан бизнинг туман ташкилотимизга ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушаяпти. Биз уларни кўриб чиқиб, фаолларимиз билан керакли жойларга бориб, масалани ижобий ҳал этишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Дилором АҲМЕДОВА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри, I ТошДавТИ болалар касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори:

— Республикамизда она ва бола муҳофазаси устувор йўналиш деб белгиланган. Масалан, бу йилги «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида ҳам она ва бола саломатлиги бош вазифа қилиб кўрсатилган. Оилада оналарнинг ўрни жуда катта аҳамиятга эга. Уларнинг оиладаги вазифаси эса чекланмаган. Масалан, бола туғилмасдан олдинги юмушлар ва ундан кейин ҳам чақалоқни парваришлаш, тарбия қилиш, оиладаги барча юмушлар каби. Лекин шу қаторда унинг асосий бурчи ўзининг саломатлигини ўйлаш.

Бугунги Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган «Оилада соғлом маънавий муҳит негизи» мавзуидаги тадбир жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ерга тиббиёт ходимлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, депутатлар, мутахассислар келиб ўзларининг маслаҳат, таклифларини беришди, ундан кейин спектакль томоша қилишди. Иштирокчилар уйларига боргач эшитган, кўрган нарсаларини оилага олиб киради ва уни ҳаётга татбиқ қилади. Шунга ўхшаш ҳар бир тадбир, учрашув оилада соғлом турмуш тарзи, маънавий, ҳуқуқий маданиятни оширади. Ҳар бир одамнинг саломатлиги ўз қўлида. Аёл соғлом бўлса оила муҳити ҳам, келажак ҳам соғлом бўлади.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири:

— Бугун мен мана шу муҳташам кошонада оналарни, аёлларни, опа-сингилларни, қизларимизни кўриб жудаям хурсанд бўлдим. Ватан остонадан бошланса, ҳаёт онадан бошланади. Шунинг учун биз оналар олдида, уларнинг қалби олдида бир умр қарздормиз. Бундай учрашувлар, йиғинлар тез-тез бўлиб турса дейман. Бу ерга келган одамлар фақат спектакл томоша қилиш учун эмас, дийдорлашиш, бир-бирини кўриш, маслаҳат олиш, фикр алмашиш мақсадида ташриф буюрган. Шу ўринда хаёлимдан бир нарса ўтдики, уни айтмасам бўлмас:

Гул бўлмаса баҳор қайдадур,
Қалб бўлмаса ашъор қайдадур.
Гул сўлмасин, кўнгил ўлмасин
Дўст бўлмаса дийдор қайдадир.

Халқ демократик партияси ўз дастуридан келиб чиқиб, кўпроқ халқнинг орзулари, таклифларини рўёбга чиқариши керак. Мана кўриб-билиб турибмиз бу партиянинг кейинги пайтда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўтариб чиқаётган таклифлари, амалга ошираётган хайрли ишлари барчага манзур бўлмоқда, мен ҳам уларни қўллаб-қувватлайман.

Шунингдек, йиғилишда республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали директори Дилдора Мирбобоева ва бошқа бир қатор мутахассислар ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар. Партия дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ аёлларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тадбир сўнггида эса театр бадиий жамоаси томонидан анжуман мавзусига ҳамоҳанг «Жайдари келин» номли янги спектакль намойиш этилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФИДОЙИ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дўстлик туман кенгаши биринчи котиби Камолиддин ЭГАМОВ

— Мамлакатимизда биринчи бор икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. У республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар фаолиятининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди, десак хато бўлмайди. Шу ҳақда сизнинг фикрингиз. Сайлов якунидан қандай хулосалар чиқардингиз?

— Айтиш мумкинки, бу галги сайловлар биз учун ҳақиқий демократия мактаби, сайловларнинг янгича тартиб ва механизмларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш намунаси бўлиб хизмат қилди. Сайловчиларимиз бу сиёсий тадбирга мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шарти, ҳар бир фуқаро тақдирига таъсир кўрсатадиган воқеа сифатида муносабатда бўлдилар.

Сайлов ҳам ўтди. Партиямиздан номзодлари кўрсатилганларнинг бир қисми туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландилар. Натижалар ёмон эмас. Халқ орасида партиямизнинг ўзига яраша обрўси, мавқеи бор эканлиги маълум бўлди. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо, яна 4-5 йил ўтади-кетади. Яна сайловлар келади. Бўлажак сайловларга эса биз бугундан, ҳозирдан тараддуд кўришимиз керак. Қандай қилиб, дейсизми? Партиянинг халқ орасида обрўсини ошириш, мавқеини янада мустаҳкамлаш йўли билан. Бунинг учун эса партия сафларига энг муносиб, фидойи, жонкуяр, қўлидан иш келадиган, ташаббускор кишиларни, аниқроқ қилиб айтганда, кўпроқ ёшларни жалб қилишимиз зарур. Чунки, улар сиёсий партиянинг обрў-эътиборини оширишга кучли омил бўлишлари мумкин.

— Сиз етакчилик қилаётган партия туман кенгашида бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Ўтган ойда 16 нафар ёш йигит-қизни сафимизга қабул қилдик. Бугун аъзоларимиз сони 2109 нафарга етди. Шу ўринда яқинда партиямизга аъзо бўлиш истагини билдириб ариза ёзганлардан айримларининг нима сабабдан ўз ғоявий қарашларини, сиёсий фаолиятларини бизнинг партия билан боғлаш ниятида эканликлари билан ўзингиз қизиқиб кўришингиз мумкин...

Дарҳақиқат, уларнинг айримлар билан учрашдик.

Замира ИРИСМУРОДОВА, 14-мактаб ўқитувчиси:

— Анча вақт бирон-бир партияга ўтсаммикан ёки ҳеч бир партияга аъзо бўлмай қўяқолсаммикан, деган ўйда юрдим. Бу орада мавжуд партияларнинг Низомлари, Дастурлари билан танишиб чиқдим. Халқ демократик партиясининг ғоялари, кундалик фаолияти кўпроқ маъқул бўла бошлади. Сўнг шу партиянинг аъзоси бўлишга қарор қилдим.

Дилшод АҲМЕДОВ, «Халқобод» фермер хўжалиги аъзоси:

— ЎзХДПга қабул қилишларини сўраб ариза бердим. Сабаби: бу партия мен каби оддий фуқароларнинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида сиёсий майдонга чиқди ва унинг бу борадаги ҳаракатлари назаримда, тобора дадил ва қатъиятли бўлаётир.

Гулчеҳра АЛИМҚУЛОВА, 6-мактаб ўқитувчиси:

— Тўғрисини айтсам, бошқа сиёсий партияларни камситмоқчи эмасману, лекин Халқ демократик партиясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеи, ўрни бошқача-да. Атрофингизга қаранг: жуда кўп яхши ишлар, ибратли тадбирлар ташкилотчилари, уларни амалга оширувчиларнинг кўпчилиги ЎзХДП аъзолари. Шуларни инобатга олиб, сиёсий фаолиятимни шу партия билан боғлашни маъқул топдим...

— Ёшлар орасида ғоявий қарашлари, маслак-эътиқодлари, сиёсий фаолиятларини бизнинг партия билан боғлашни истаётганлар оз эмас, — дейди К.Эгамов. — Лекин биз уларнинг орасидан энг муносибларинигина сафимизга қабул қилаяпмиз. Фаолликка эришиш учун бугун партиямизнинг ҳар бир аъзоси аввало фидойи, жонкуяр, ташаббускор бўлмоғи, зиммасидаги масъулият юкини ҳис қилган ҳолда жўшқин фаолият юритмоғи зарурат эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Суҳбатдош:
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚИМИЗ ИФТИХОРИ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида Андижон вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Ўтган йилнинг 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Ёш шахматчимизнинг улкан ғалабаси Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур орденига лойиқ топилди.

Бугун соҳибқирон юртида мислсиз янгиланишлар юз бераётир. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг шуҳрати тобора оламга ёйилмоқда. Бунда Амир Темур сиймоси халқимизни янгидан-янги зафарларга, ютуқларга ундовчи кучқудрат манбаи, миллатимизнинг ғурур ва ифтихор тимсоли бўлиб қолаверади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Шеробод туманида 136500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 31624 нафари туғиш ёшидаги аёллардир.

Толлошқон соғломлаштириш маркази ва қишлоқ врачлик пункти аёллар ва болалар саломатлигини назорат қилиш борасида меҳнат қилмоқдалар. Ушбу замонавий масканда барча қулайликлар яратилган.

✧✧✧

Суратларда: ҚВП мудири Ўролтош Йўлдошева, ҳамшира Муяссар Жўраева ёш она билан суҳбатда; тез ёрдам ҳамшираси Матлуба Қувватова; бинонинг умумий кўриниши.

Абдурасул ПАРДА олган суратлар.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТГА ШАЙ

Қашқадарёнинг тоғли ҳудудидаги Яккабоғ туманида 194 минг нафар аҳоли яшайди. Шундан қарийб 160 минг нафари қишлоқларда истиқомат қилади. Кейинги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида анча ишлар амалга оширилмоқда. Ўнлаб ҚВП — қишлоқ врачлик пунктлари қуриб битказилди. Яқинда шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг қурилиб, ишга туширилгани ҳам бу соҳадаги ижобий ислоҳотлар самарасидир.

Вилоят ҳокими Ҳ.Зайниев тиббий масканнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб қарийб 50 миллион сўм маблағ сарфланган 20 ўринли «Шошилинч тез тиббий ёрдам» бўлимининг аҳамияти, саховатли инсонларнинг кўмагини алоҳида таъкидлади. Меҳнат фахрийси Қарол Маҳмудов бу хайрли иш учун ўз ҳиссасидан маблағ ажратди. «Яккабоғдонмаҳсулотлари» масъулияти чекланган жамият раиси Ғулом Қурбонов «Дамас» машинаси калитини топширди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳам янги «Тез ёрдам» машинаси ажратилди. Бўлим замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Энг муҳими, яккабоғликлар энди зарурат туғилганда сиҳат-саломатликларини тиклаш учун узоққа бормайдилар.

Юнус УЗОҚОВ

Шарҳловчи минбари

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА РОССИЯ: ЖИДДИЙ МУЛОҚОТ АРАФАСИДА

Назаримизда собиқ СССР парчаланиб кетганидан кейин икки қутбли дунё барҳам топиб, бир қутбли дунё ҳукмронлиги намоён бўлаётгандай. Аслида-чи? Агар чуқур мулоҳаза қилиб кўрилса, аслида ундай эмас. Масалан, кейинги йилларда Европа Иттифоқи ер юзидаги катта кучлардан бирининг маркази сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозир ҳеч ким у билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Шу жумладан, АҚШ ҳам. Бу ҳолат томонларнинг жаҳон кун тартибида турган долзарб масалаларга ёндашувларида кузатилмоқда. Биргина мисол: Эроннинг атом энергетикаси дастурига Европа Иттифоқи билан АҚШнинг ёндашувлари турлича.

Бошқа бир қутбда яна бир куч намоён бўлмоқда. Бу — Хитой. Жаҳон Хитойни буюк давлат сифатида билади. Шуни унутмаслик керак, бу буюклик фақат аҳоли сонининг кўплиги ва ҳудуднинг катталиги билан чегараланиб қолмайди. Хитой ҳозир иқтисодда ҳам, ҳарбий соҳада ҳам кўтарилиш босқичида. Бу жараён изчил давом этмоқда. Хитой геосиёсий манфаат нуқтаи назаридан жаҳондаги етакчи кучларнинг бирига раҳнамолик қилиши мумкин.

Япония жаҳондаги энг тараққий этган давлатлардан бири. Бу давлат ҳар жиҳатдан юксалиш чўққисида. Тўғри, ҳарбий куч-қудратда айрим етакчи давлатлар билан рақобатлаша олмаса-да, жаҳондаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан кўплаб ривожланаётган мамлакатларнинг ишонч ва эътиборини қозониб келмоқда. Япония бекорга БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига номзод қилиб кўрсатилаётгани йўқ. Бундай таклифни Ўзбекистон ҳам киритган. Умуман, Японияннинг дунёдаги таъсир кучига эга қутблардан бири сифатида намоён бўлиш эҳтимоли бор.

Шубҳасиз, жаҳоннинг бугунги тараққиёт босқичида, геосиёсий манфаатлар тақсимотида Россиянинг ўз ўрни ва таъсир кучи катта. Кўп қутбли дунё учун курашда Россия ўзининг таъсир кучини сақлаб қолишни асосий стратегик мақсад деб билади. Мамлакатнинг ташқи сиёсатида ана шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларни кўриш мумкин. Буни, аввало, Россиянинг Европа Иттифоқи билан муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги интилишларида кўрасиз. Тўғриси, Германия, Франция, Испания каби Европа Иттифоқига аъзо етакчи давлатларнинг кўпгина халқаро масалаларда мустақил сиёсат юритаётганлиги бошқа қутбдаги айрим кучларни ташвишга солиб қўйди. Россия АҚШдаги қарама-қарши кучлар олдида Европа Иттифоқи билан муносабатларни қайта қуришга мажбур.

Хўш, бунинг учун икки ўртада қандай тўсиқлар мавжуд?! Дастлабки жиддий тўсиқлар ўтган йилнинг майида Европа Иттифоқига ўнта янги аъзо қабул қилинганида пайдо бўлди. Европа Иттифоқи Россиядан икки ўртада тузилган Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома шартларини ўнта янги аъзога ҳам жорий этишни талаб қилди. Бироқ Россия бунинг учун маълум муддат зарурлигини таъкидлаб, ўн тўрт банддан иборат шартлар таклиф қилди. Чунки, Россия Европа Иттифоқининг олдинги ўн бешта аъзоси билан муносабатлар ўрнатишда қабул қилинган тартиб-қоидаларни бирданига янги ўнта аъзога қўллашдан бир неча юз миллион доллар зарар кўрар эди. Сабаби, бундай ҳолатда янги аъзо давлатлар ўз маҳсулотларини Россияга олдингига нисбатан қимматроқ баҳоларда сотиш имкониятига эга бўладилар. Виза масаласида ҳам уларга имтиёзлар берилади. Юзага келган вазият ўтган йили турли даражадаги учрашувларда муҳокама қилинди. Ҳатто ўтган йили кузда Нидерландияда олий даражада Россия — Европа Иттифоқи мулоқоти ўтказилди. Бироқ кун тартибида турган масалалар узил-кесил ҳал қилинмади. Аксинча, янги-янги муаммолар пайдо бўлди.

Ниҳоят, 2005 йил май ойида Москвада Россия — Европа Иттифоқи мулоқоти ўтказилади. Бунга томонлар жиддий тайёргарлик кўришяпти. Кун тартибига киритилган масалалар кўп. Тахмин қилинишича виза тизимини қайта кўриб чиқиш, Калининград йўналишида транзит юклар муаммосини ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва айрим давлатларда русийзабон аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Энг муҳими, 2007 йилда Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши сабабли шундан кейинги алоқаларнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинади. Эҳтимол эскираётган бу ҳужжатни янгилаш лойиҳалари кўриб чиқилар.

Умуман олганда, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасида муносабатларни мураккаблаштирадиган «жанжал»ли масалалар йўқ. Аксинча, Европадаги айрим давлатлар қатор масалаларда Россияни иттифоқчи деб билмоқдалар. Жумладан, халқаро ҳаётнинг бир қанча долзарб масалаларига Испания, Германия, Италия ва Франциянинг ёндашувлари Россиянинг ёндашувидан деярли фарқ қилмайди. Шенген зонасига кирадиган кейинги учта давлат эса Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатларнинг қаршилигига қарамай, виза тизимини соддалаштириш юзасидан Россия билан икки томонлама шартномалар имзоладилар. Ўз навбатида Россия ҳам Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатларнинг илтимосларини ерда қолдирмади. Яъни ўзининг миллий манфаатига — иқтисодий салоҳиятига зарар етказиб бўлса ҳам Киото баённомасини ратификация қилди. Европадаги экологик ҳолатга ижобий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бу дадил қадам ғарб жамоатчилиги томонидан ғоятда мамнуният билан қарши олинди.

Бизнингча, ҳозир икки куч — икки қутбни, яъни Ғарбий Европа билан Россияни бир-бирига қарши туриши мумкин бўлган жиддий кучлар деб бўлмайди. Ҳатто Украинадаги инқилоб ҳам уларнинг муносабатларига салбий таъсир кўрсатмади. Аксинча, Ғарбий Европа Европа Иттифоқи тимсолида мустақил сиёсат юритиб, иқтисодда ҳамда баъзи халқаро масалаларда АҚШга нисбатан жиддий рақобатчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Масалан, буни доллар билан евро ўртасидаги рақобатда кўриш мумкин. Шунингдек, баъзи сиёсий кучларнинг ҳудди «совуқ уруш» даврида бўлганидек, Ғарбий Европа билан Россия ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончсизлик туғдириб, қарама-қаршиликни юзага келтириш орасидаги хатти-ҳаракатлари ҳам самарасиз кетмоқда.

Шундай экан, Европа Иттифоқи билан Россиянинг Москвадаги саммити иккита катта куч — икки қутбнинг яқинлашувида муҳим қадам бўлади деб ўйлаймиз. Бу жаҳонда якка ҳукмронлик ўрнатиш йўлидаги уринишларга ғов бўлиб, кўп қутбли дунёни шакллантириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Тезликни оширгани туфайли

Японияда рўй берган темир йўл ҳалокати натижасида 37 одам ҳалок бўлди, 200га яқин киши жароҳатланди.

Осака шаҳри яқинидаги Хиого префектурасида йўловчи поезд рельсдан чиқиб кетган. Унда 600га яқин йўловчи бўлган.

Поезднинг биринчи вагони кўп қаватли уйга урилиб, иккига бўлиниб кетди. Тахмин қилинишича, поезд тезликни оширгани туфайли ҳалокатга учраган.

ЕИ чекловлар киритиши мумкин



Европа Иттифоқи Хитойдан кириб келаётган арзон тўқимачилик маҳсулотлари борасида ўз хавотирини билдирди. ЕИнинг савдо бўйича комиссари Питер Мандельсон фикрича, Хитой товарларининг Европа Иттифоқи ҳудудига кириб келиши бу ерда кийим-кечаклар нархини тушириб юбормоқда.

Унинг айтишича, икки ой ичида Хитой импорти Европа давлатлари саноатига қанчалик зарар етказиши мумкинлиги ўрганиб чиқилади.

Зарур чора сифатида эса Хитойдан келтириладиган маҳсулотларга чекловлар қўйилиши мумкин.

НАТО ва Грузия



НАТО бош котиби Роберт Симмонснинг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё давлатларидаги махсус вакили маълум қилишича, яқин вақт ичида НАТО Грузиянинг альянсга қўшилиши борасида музокаралар бошлаши мумкин. Грузия президенти НАТОга бу борада мурожаат қилган.

Роберт Симмонснинг таъкидлашича, Грузия масаласи НАТОга аъзо мамлакатлар Хавфсизлик кенгаши мудофаа вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтадиган йиғилишида асосий мавзулардан бўлади.

Мэрни қўллашмоқда

Юзминглаб мексикаликлар Мехико мэри Андрес Мануэль Лопес Обрадорни қўллаб-қувватлаш учун кўчаларга чиқишди. Мамлакат парламенти мэрни ёр борасидаги тортишувлар муносабати билан даҳлсизлик ваколатидан маҳрум қилди.

Лопес Обрадор 2006 йилга мўлжалланган сайловда ғолибликни қўлга киритиши мумкин бўлган номзодлардан биридир. Унинг тарафдорлари парламентнинг бу қарорини Лопес Обрадорни сайловда қатнашишдан маҳрум қилиш учун қилинган деб ҳисоблашмоқда.

Понтифик расман тахтга ўтирди

Ватикан бош майдонида янги сайланган Рим папаси Бенедикт XVInинг расман тахтга ўтириш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан Авлиё Петр майдонида дунёдан 500 мингга яқин одам йиғилди.

Понтификни табриклаш учун Ватиканга 30 та давлат раҳбари ташриф буюрди.

Феликс Кулов сайловда қатнашмоқчи

Қирғизистон сиёсатчиларидан бири Феликс Кулов президентлик сайловларида қатнашишини маълум қилди. Кулов аввал вице-президент, Бишкек ҳокими, Миллий хавфсизлик хизмати вазири, Ички ишлар вазирлиги генерали сифатида фаолият юритган.

Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи Қурманбек Бакиев Феликс Кулов 10 июлда бўлиб ўтадиган сайловда мустақил равишда қатнашиш истагини билдирганини айтиб ўтди.

Баҳорги сессия бошланди

Страсбургда Европа Иттифоқи Парламент ассамблеясининг баҳорги сессияси бошланди. Гуантанамо базасида маҳбусларни ушлаб туриш қанчалар қонунийлиги, эвтаназия самарадорлиги, Европа энергетикаси сессия кун тартибидаги асосий масалалардандир.

Бундан ташқари сессия давомида матбуот эркинлиги, журналистларнинг қайноқ нуқталардаги фаолияти, шунингдек, Эроннинг ядро дастури масаласи ҳам муҳокама қилинади.

Дил изҳори

ҚАДР-ҚИММАТ АЗИЗ ВА МУЪТАБАРДИР

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон барча уруш иштирокчилари қатори менинг ҳам қалбимни тўлқинлантириб юборди.

Дарҳақиқат, урушни эслашнинг ўзи оғир. Чунки машъум уруш туфайли қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, миллионлаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди.

Ғалабага эришилганига 60 йил бўлаяпти. Лекин уруш жароҳатлари, жабру жафоси ҳали ҳам тугагани йўқ.

Юртбошимиз Фармони билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланишлари истиқлол даврида уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган энг эзгу ишлардан бири, деб биламан.

Биз келажагимиз эгалари бўлган ёшларга қарата шундай деймиз:

Азиз ўғил-қизларим, мамлакатимиздаги бугунги тинч ва барқарор ҳаётнинг, мустақиллигимизнинг қадрига етинг, уни кўз қорачиғидай асранг!

Йўлдош ОҚҚУЛОВ,
уруш ногирони
Оққўрғон тумани.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Кармана туманидаги «Маликрабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Истиқлол» қишлоғи аҳолиси кўпдан орзу қилиб юрган ниятига эришди. Қишлоқ хонадонларига табиий газ етиб келди. Қисқа вақт ичида қарийб беш километрлик масофага газ қувурлари тортилди. «Карманагаз» шўъба корхонаси ҳамда қишлоқ фаолларининг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан қилган саъй-ҳаракати туфайли газ қувурлари тортиш ҳашар йўли билан амалга оширилди. Натижада уй бекаларининг юмушлари анча енгиллашди. Айни пайтда қишлоқнинг 100 дан ортиқ хонадонида «Зангори олов» ёна бошлади.

«Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Чўтқара» қишлоғи, «Восход» ва «Баҳор» дала ҳовлилари аҳолиси ҳам табиий газдан бахраманд бўлди. Бу йил Кармана туманида ҳашар йўли билан 11 километрдан ортиқ газ қувурлари тортиш режалаштирилган.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«LACETTI»: ЁШЛИК ШИЖОАТИ

«Lacetti» автомобили кўплаб ватандошларимиз қалбидан жуда тез жой олганлигига ҳайрон қолса бўлади. «ЎзДЭУавто» АЖда 2003 йил охиридан 2004 йил декабригача бўлган даврда ишлаб чиқарилган ушбу русумдаги 820 та автомобиль дарҳол ўз харидорларини топди. Лекин, компания дилерлари ва мутахассислари томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчиси ўзлаштирган янги моделни харид қилишни истовчиларнинг сони анча кўп.

Хўш, ушбу машина бунчалик тез оммавийлашувининг сири нимада? Биринчи навбатда, «Lacetti»нинг ички бозордаги муваффақиятига шу нарса сабаб бўлмоқдаки, истеъмолчиларимиз бундай русумдаги автомобилни кўпдан буён кутаётганди.

Маълумки, Асакада автозавод қурилиши кетаётган йиллардаёқ «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва «ЎзДЭУавто» АЖ томонидан республикага Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 6252 та автомобиль келтирилган эди. Шундан 1640 таси нуфузли русумдаги автомобиллар — «Prince», «Espero», «Super Salon» бўлиб, улар асосан республикамиз вазирликлари, идоралари, муассасалари ва ташкилотларига сотилган эди. 10 йиллик эксплуатация мобайнида ушбу машиналарнинг катта қисми маънан ва жисмонан эскирди. Ўзларининг автомобиль паркларини янгилаш учун қатор ташкилотлар хорижий дилерлар билан якка тартибда шартномалар тузиб, республикамизга замонавий русумдаги автомобилларни, табиийки, валютага чет элдан олиб кела бошлашди. Ўз навбатида, «ЎзДЭУавто» АЖда «Lacetti» автомобилининг серияли ишлаб чиқарилиши наинки аҳолимизнинг бундай русумдаги машиналарга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, балки давлат хазинасини тўлдиришга ва валюта маблағларини тежашга ҳам хизмат қилиши аниқ.

Лекин, бундай машиналарга бўлган эҳтиёж қанчалик катта бўлмасин, агар автомобиль харидорга ёқмаса, у муваффақиятга эришолмайди. Харидор эса, маълумки, биринчи навбатда автомобилнинг ташқи кўринишига эътиборни қаратади.

«Lacetti» ўзининг замонавий дизайни туфайли дарҳол бошқа автомобиллардан ажралиб чиқди. Бир қарашданоқ бу нуфузли автомобиль эканлигини тушуниш мумкин. Итальянча услуб «Lacetti»нинг моҳиятини яхши ифодалаб турибди, унинг номи лотинча «Lacertus» сўзидан олинган бўлиб, «шижоатли, ёш, кучга тўлган» деган маъноларни англатади.

Бироқ наинки ташқи кўриниш, балки замонавий аэродинамика ва эргонометрик параметрлар «Lacetti»нинг ички бозорда тез ва муваффақиятли сотилишини белгиламоқда.

Тўрт цилиндрли, 16 клапанли, 121 от кучи қувватига эга бўлган двигатель (қиёслаш учун: «Nexia DOHC» 85 от кучига эга) соатига 194 километр тезликда ҳаракатланиш имконини беради. «Lacetti»нинг устунлик томонларидан яна бири ҳайдовчи ва йўловчилар учун юқори даражада қулайликлар яратадиган салоннинг кенг ва шинамлиги. Аудиотизимни ва орқа томонни кўрсатувчи ташқи кўзгуларни масофадан туриб бошқариш ва кўплаб бошқа енгилликлар шулар жумласидан.

Ҳозир ушбу русумдаги автомобилни сотиш бўйича башоратлар юқори. Мазкур автомобилни жазирама иқлим шароитларида синовдан ўтказиш ниҳоясига етди, сертификатлаш амалга оширилди ва мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчиси ушбу моделни ишлаб чиқаришга киришди. 2005 йил охирига «ЎзДЭУавто» АЖ республикамиздаги дилер корхоналарига 3008 та «Lacetti» автомобилини етказиб беришни назарда тутган. Дарвоқе модификациялар сони еттита, шу жумладан, «хэтчбек» хилидаги кузов модификацияси сотувга қўйилади.

Автомобилнинг базавий версияси беш босқичли механик узатиш қутиси билан жиҳозланади, лекин истеъмолчи тўрт босқичли автоматик узатиш қутисини буюртма қилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, автомобилнинг барча модификациялари антиблокли тормоз системага (ABC), буровчи моментни қайта тақсимлаш электрон блокига ва руль гидрокучайтиргичининг янги авлодига эга. Қўшимча опцияларга қараб «Lacetti»нинг нархи ҳам ўзгариб туради.

Ишлаб чиқарувчи ранг гаммасини кенгайтиришни кўзда тутган. Ҳозирда мавжуд бўлган «оқ галактик», «қора марварид», «яшил ялпиз» ва «кумушранг»ларга бошқа ранглар ҳам, жумладан, «яшил мошранг», «қизил қоя», «оч жигар ранг»лар қўшилади.

Автомобилни лойиҳалаштиришда пассив хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. «Lacetti» уч нуқтали хавфсизлик камари ҳамда ҳайдовчи ва олдинда ўтирган йўловчи учун иккита тўғридан жойлаштирилган хавфсизлик ёстиқчаси билан жиҳозланган.

«Ўзавтотеххизмат» ОАЖнинг минтақавий корхоналари «Ўзавтосаноат» АК мутахассислари билан биргаликда харидорларнинг талаблари ва янги моделни сотиш истиқболларини ўрганишга киришди. Ўтказилган маркетинг тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда, «Lacetti» автомобилини кейинги йиллар учун ишлаб чиқариш ҳажмлари белгиланади ва бутловчи деталларни етказиб бериш учун буюртма шаклланади.

Бугунги кунда «Ўзавтосаноат» акциядорик компанияси Женерал Моторс-ДЭУ Авто энд Технолоджи (GM-DAT) компанияси билан келишувга кўра маҳаллий корхоналар иштирокида йирик блокли йиғишдан ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклигача ўтиш технологияси бўйича ушбу автомобилни ёки бошқа шундай русумдаги моделни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режаси устида иш олиб бораяпти. Бу шуни англатадики, «Lacetti» тўла ҳуқуқли «ўзбек фуқаролигини» олиши мумкин, минглаб ватандошларимиз эса янги иш ўринлари билан таъминланади. Шу тариқа, автомобилнинг янги моделини серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан наинки ҳозирги автомобиль эгалари, балки ҳозирча бундай қиймат-баҳо харидни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган харидорлар ҳам ютадилар.

Елена КУЗНЕЦОВА

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил, босқичма-босқич амалга ошириш, 9-синфларнинг битирувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида 2003 йилнинг 29 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг **«Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган эди. Бугунги кунда ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад — ўқиш истагида бўлган ёшларни коллежларда яратилган шарт-шароитлар билан бевосита таништиришдан иборат. Шу муносабат билан бу ерга ўрта мактабларнинг 9-синф битирувчилари, отаоналар, ўқитувчи-мураббийлар, республика Таълим ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташҳис маркази мутахассислари ташриф буюришди.

Меҳмонлар коллежда ёшларнинг билим олишлари учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, компьютер, лингафон хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари ва спорт залларидаги дарс машғулотларини кузатишди. Ташриф буюрганларда, айниқса, мактабгача тарбия ва бошланғич таълим-тарбия иши гуруҳларининг кўргазмалари катта таассурот қолдирди.

Ҳозирги кунда коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишларига катта аҳамият берилади. Хусусан, бу ерда фаолият кўрсатаётган 15 га яқин тўгаракларда кўплаб ёшлар ўз қизиқишлари бўйича билимларини ошириб келмоқда. Бундан ташқари, ўқув даргоҳида спортга ҳам алоҳида эътибор берилиб, бокс, теннис, волейбол, баскетбол, футбол, гандбол, кураш, гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд.

— Битирувчиларнинг коллежимизга қизиқишлари катта экан, — дейди коллеж директори ўринбосари Насиба Йўлдошева. — Бугун 500 дан ортиқ ўқувчи бизнинг даргоҳимизда ўқиш нияти борлигини билдирди.

Тадбир давомида мутасаддилар йиғилганларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАҲАЛЛАНИНГ СПОРТ МАСКАНИ

Наманган шаҳрининг «Иттифоқ» маҳалласида ўн икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи ёшлардир. Маҳалла оқсоқоли Файзулла Ҳожиев спорт соғломлаштириш маркази ташкил этиш ҳақида ўйлаб, ўзича режа тузиб юрарди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасидаги амалий интилишлар оқсоқолнинг ниятига қанот берди. Йиғин фаоллари билан маслаҳатлашиб, Наманган туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигининг собиқ маъмурий биносини мўлжаллашди. Суриштиришса кўп йиллардан буён фойдаланилмай ётган бино «ким ошди» савдосига қўйилган. Хуллас, шу бино йиғин қошидаги «Иттифоқ-95» кичик корхонаси томонидан сотиб олинди.

Дастлаб бино тевараги тартибга келтирилди. Чамалаб кўришса, бино ҳовлисида футбол, волейбол майдончалари ташкил этиш мумкин. 60 хонали бинонинг биринчи қавати стол тенниси, оғир атлетика, кураш, бокс, каратэ билан шуғулланишга мослаштириб жиҳозланди. Шахмат, шашка, билярд ўйинлари учун иккинчи қаватда шароит ҳозирланди. Ошхона, чойхона, суратхона, компьютер курси, бир йўла 100 кишига хизмат кўрсатадиган ҳаммом хизмати...

Бу шароитлар қисқа фурсатда марказни гавжумлаштирди. Айни пайтда бу ерда 300 нафар ёш спортнинг етти тури бўйича шуғулланмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги шеърлар

ЎЗАНИН ТОПГАЙ ДАРЁЛАР...



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

МАНТИҚ

Ёмғир ёғилмагай йироқ осмондан,
У булут бағридан оққай шашқатор.
Дунёда ёмонлик кўрган инсондан
Меҳру муҳаббатни кутмоқлик бекор.

Эзгулик фарзанди эзгулик асл,
Ёвуздан ёвузлик яралгай ҳар дам.
Агар ураберсанг уни муттасил
Қопағон бўлгайдир энг ёввош ит ҳам.

Алмашиб туради динлар, дунёлар,
Ўзининг самандар, ҳумоси билан.
Гоҳида ўзанин топгай дарёлар
Бир зотнинг дафъатан имоси билан.

2005 йил, 18 апрель

ДАЙДИ ИТ

Бирор хонадонни қўриқламас у,
Ё чўпон сурувин қилмас ҳимоя
Бир кунда минг касга келгай рўбарў,
Исканиб тентираш унга кифоя.

Одамларда инсоф қолмаган ҳеч бир,
Ахир авлиёлар итни суюбди,
Унинг-чи, алҳазар, қорнига кимдир
«Демократ» сўзин ёзиб қўйибди.

2005 йил, 19 апрель

ЭТИКДЎЗ

Бу ҳол юз берибди қадим замонда,
Бир аёл жазога мустаҳиқ эрмиш.
Уни қопга солиб, гавжум майдонда
Қози бигизлашга фармойиш бермиш.

Қутурган оломон, қўлида бигиз
Дарҳол ташланибди шўрлик аёлга.
Ўша муюлишда кекса этикдўз
Тун-кун ўлтираркан, чўмиб хаёлга.

Ғоят мўмин экан қария, бироқ
У ҳам оломонга қўшилиб қолмиш.
Издиҳом ичида туртиниб узоқ
У ҳам бигизини бир санчиб олмиш.

Қайтиб дўконига келгач, шу асно
Қўшниси сўрабди: — Нима гап, отам?
Чол жавоб қилибди секин, бепарво:
— Ҳамма санчаверди, санчдим-да мен ҳам.

2005 йил, 20 апрель

САЙР

Подшо ўзи рулда, сайр этди холос,
Уни кўриб кимдир қичқирди бехос:
— Машина эгасин билмадим, аммо
Ҳайдовчининг эса подшолиги рост.

2005 йил, 22 апрель

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ХАТАРСИЗ ЮРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОНЛИГИ МАНЗИЛГА ЭСОН-ОМОН ЕТИБ БОРИШИМИЗ ГАРОВИДИР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 мартдаги Фармойишига асосан йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 1 апрелдан 1 майга қадар «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Шу муносабат билан жойларда ҳаракатланиш қоидаларининг бузилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ўрганилаяпти ва уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланаётир. Масалан, Самарқанд вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан 210 нафар назоратчи бу ишга жалб қилинган. Аниқланишича, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида вилоят ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлларида 177 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилиб, бунинг оқибатида 45 киши ҳалок бўлган. 186 киши турли даражадаги тан жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган.

Ушбу ҳодисаларнинг сабаблари турлича. Баъзи ҳолларда ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаган, тезликни оширган, светафор чироғига қарамаган ёки маст ҳолатда рулга ўтирган пайтда нохушлик содир бўлган ёки пиёдалар бепарволик қилган, тартибни бузган вазиятда фалокат рўй берганлиги кузатилган. Лекин ҳайдовчи ёки пиёдага боғлиқ бўлмаган, яъни йўлнинг нотекислиги, ўйдим-чуқурлиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Тўғри, кейинги йилларда, Самарқанд вилояти ва шаҳрида бир-биридан кенг, равон йўллар барпо этилди. Бу хайрли ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Сўнги 2-3 йил ичида кўплаб турли даражадаги йўллар, кўчалар кенгайтирилди, таъмирланди. Масалан, шаҳардаги Охунбобоев, Рудакий, Мирзо Улуғбек, Гагарин номли бир қатор кўчалар шулар жумласидандир. Лекин ҳар тўкисда бир айб деганларидек, муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Вилоятимиз ҳудудидаги йўлларнинг аҳволи ночор. Бошқармамиз ва жойлардаги бўлимларимиз томонидан автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш идораларига таклиф ва мулоҳазалар киритилган, — дейди **вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот ва ташвиқот гуруҳи нозири катта лейтенант Комил СУЛАЙМОНОВ**. — «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан ўтказаётган тарғибот ва ташвиқот ишларимиз жараёнида фуқаролар томонидан вилоятдаги йўлларнинг носозлиги туфайли кўплаб автоҳалокатлар бўлаётгани тўғрисида эътирозлар билдирилмоқда.

Масалан, шаҳардаги Саттепо даҳасига бориладиган йўл салкам бир йилдан буён «шудгорланган» ҳолда ётибди. Али Қушчи, Фирдавсий номли, Сўзангарон, Озод Шарқ каби ўнлаб кўчалардаги носозлик аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда **шаҳар ҳокимлигининг мутахассиси Теша ЖАЛИЛОВ** шундай дейди:

— Шаҳарнинг Саттепо даҳаси, Фарҳод, Панжакент, Сўзангарон, Термиз кўчаларидаги аҳвол ҳақиқатан ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмайдиган даражада. Шу боисдан ушбу кўчалардаги йўлларни жорий йилнинг иккинчи чораги якунига қадар таъмирдан чиқариш кўзда тутилган.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Саттепо даҳасидаги кўчалардан бири.
Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Спорт

АЛПЛАРНИ ЧОРЛАДИ АЛПОМИШ ЮРТИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Президент соврини учун кураш бўйича Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида курашнинг икки йўналиши бўйича I жаҳон чемпионати бўлиб ўтди

Президент соврини учун кураш бўйича Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирга 1993 йилда асос солинган. Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур турнир не-не алпларни, баҳодирларни кашф қилмади дейсиз? Ўрол Тўраев, Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев... Бу полвонларнинг ўнлаб, юзлаб шогирдлари, издошларини бугун дунёнинг турли бурчакларидан ҳам топиш мумкин.

Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида еттинчи бор ўтказилган халқаро турнир ҳар қачонгидан ўзгача ўтди. Чунки бу гал фахрий полвонлар ўртасида курашнинг икки йўналиши бўйича I жаҳон чемпионати ҳам уюштирилди. Ушбу нуфузли мусобақаларда дунёнинг беш қитъасидан ўттизга яқин давлатнинг 300 нафардан ортиқ полвони иштирок этди. Хорижлик ҳакамлар, меҳмонлар ташриф буюришди.

... 23 апрель эрта тонгданоқ «Алпомиш» ўйингоҳига ишқибозлар кела бошлади. Карнай-сурнай наволари оламни тутди. Алёру лапарлар куй-қўшиқларга уланди.

Сурхондарё вилоят ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий VII халқаро турнир қатнашчиларини табриклади ҳамда мусобақаларни очиқ, деб эълон қилди. Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов ва хорижлик меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб полвонларга омад тилашди. Мамлакатимиз мадҳияси янграйди. Шундай қилиб, мусобақанинг биринчи куни фахрийлар ўртасида баҳслар бошланди. Майдонда 36-45, 46-55, 56-60, 61-65 ва ундан катта ёшли полвонлар гиламга чиқди. Биринчи гиламда эса 36-45, 46-55 ёшли белбоғли кураш усталари куч синашди.

Саралаш, чорак финал ҳамда финал учрашувларининг ҳар бири алоҳида ажралиб турди. Полвонларнинг чиқишлари ўзига хос аҳамият касб этди. Айниқса, 85 килограммдан оғир вазнда кураш тушган ўзбекистонлик Тўра бобо Тошматовнинг чиқишлари олқишларга сазовор бўлди. Нуроний отахоннинг чайирлиги, моҳирлиги-ю чақконлиги барчада яхши таассурот қолдирди. Жанубий африкалик Редпас Винсент эса 60 килограмм вазнда фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионатининг дастлабки олтин медалини қўлга киритди. Яна бир ўзбекистонлик паҳлавон Олимжон Ҳайитов учун дастлабки кун мусобақалари қўшалоқ байрам сифатида эсда қолса ажабмас. У туғилган кунида олтин медалли бўлди. Туркманистонлик Акмурод Жепаров 70 килограмм, Япония кураш федерацияси президенти Хидео Комата эса 85 килограмм вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритишди. Ўзбекистонлик Фатхулла Холиқов ҳамда Худойберди Бобоҳоновлар ўз рақиблари устидан соф ғалабага эришишди.

— Жаҳон чемпионатида қатнашаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди қирғизистонлик Исмоил Мамасоқов. — Аввало, мамлакатингиз Президентига раҳмат! Қолаверса, барча ташкилотчиларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ёшим 65 да. Эллик йилдан бери кураш билан шуғулланаман. Кўплаб хорижий мамлакатларда бўлганман. Фахрий полвонларга бўлган бундай меҳр-мурувват, юксак эҳтиромдан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Қизғин баҳслардан сўнг курашнинг икки йўналиши бўйича I жаҳон чемпионатига якун ясалди. Аҳмаджон Баҳромов, Баҳодир Қурбонов, Сафарқул Тошмуродов, Наби Маҳмарасулов, Ласло Тот, Жиян Кажанов ва бошқа кўплаб полвонлар ғолибликни қўлга киритишди. Уларга олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ҳамда қиммат-баҳо совғалар топширилди.

— Қўшни Афғонистон Республикасиданман, — дейди Абдулфаттоҳ Муҳаммадий. — 85 килограмм вазн тоифасида фахрийлар ўртасида 3-ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлдим. Кураш — XXI аср спорти, деганлари рост. Унга қизиқувчилар кундан-кунга ортиб бормоқда.

... 24 апрель куни эса энг қизиқарли баҳслар бошланди. Дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан ташриф буюрган 41 нафар полвон кураш бўйича мутлақ вазн тоифасида Президент соврини учун ўзаро беллашдилар. Улар орасида бразилиялик машҳур Карлос Хонорато, жанубий кореялик Ким Жунг, ҳиндистонлик Самундер Сингҳ ва бошқалар бор эди.

Дастлаб ўзбекистонлик Ўткир Қурбонов ҳамда Фарҳод Жўллиевлар бел олишди. Бу баҳсда Ўткир ўзининг илк ғалабасини қўлга киритди. Кўплаб йирик мусобақа ва учрашувлар ғолиби Эрали Маҳмарасуловдан бу гал омад юз ўгирди. Саралаш учрашувидаёқ у мағлубиятга учради.

Иккинчи гуруҳдаги саралаш учрашувларининг барчасини ғалаба билан якунлаган жанубий кореялик 150 килограмм вазнли полвон Ким Жунг ярим финалда Карлос Хонораторга рўбарў келди. Қизиқарли ўтган баҳсда бразилиялик курашчи устунлик қилди.

Турнир финалида ўзбек полвони Абдулла Тангриев ҳамда бразилиялик паҳлавон Карлос Эдуардо Хонорато учрашди. Ҳаяжонли дамлар, қизиқарли баҳслар. Муросасиз кураш. Ниҳоят ғолиб аниқланди. Абдулла Тангриев тўла устунлик билан чемпионликни қўлга киритиб, 17 минг АҚШ долларига сазовор бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Карлос Хонорато 1,5 минг, учинчи ўрин соҳиблари Ўткир Қурбонов ва Ким Жунгларга 750 доллардан берилди.

— Турнир давомида тўртта беллашув ўтказдим, — дейди Президент соврини соҳиби Абдулла Тангриев. — Энг масъулиятлиси ва оғири финалда бразилиялик Карлос Хонорато билан бўлди. Ўтган йили Шаҳрисабздаги мусобақа финалида ҳам уни ютгандим. Бу гал у қаттиқ тайёргарлик кўрган экан. Учрашувдан сўнг гаплашдик. Хонорато «Бу гал ютаман, деб ўйловдим. Сенга Ватанинг, ҳамюртларинг куч-қувват бераяпти. Сен билан Бразилияда бир учрашишимиз керак. Худо хоҳласа, каттароқ турнир ўтказсак, сени албатта чақирамиз», деди. Мен мухлисларимга раҳмат айтаман. Чунки рақибим айтганидек, уларнинг далдаси менга куч-қувват берди.

Шундай қилиб, етти иқлимга овоза бўлган халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида курашнинг икки йўналиши бўйича уюштирилган биринчи жаҳон чемпионати ҳам якунланди.

Ҳалоллик, поклик, мардлик рамзи бўлган ўзбек курашининг нуфузи яна бир поғона юксалди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: мусобақалардан лавҳа.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

КОБУЛДА КИНОПРЕМЬЕРА

Кобулда ўзбек ва афғон киночилари ҳамкорлигида суратга олинган «Абрҳо» («Булутлар») фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Янги фильм томошабинларга Афғонистон маданият вазири ўринбосари Муҳаммад Станакзай, «Афғонфильм» давлат кинокомпанияси раиси Латиф ва киноасар ижодкорлар гуруҳи томонидан тақдим қилинди.

«Жайҳунфильм» афғон кинокомпанияси раҳбари Сиддиқ Обидий сўзларига қараганда, фильмда оддий афғон оиласининг мамлакатда «Толибон» ҳаракати ҳукмронлик қилган йиллардаги тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Бошга тушган оғир синовларга қарамасдан ушбу оиланинг барча аъзолари ватанга, инсонийлик ғояларига содиқ қолишади.

Тақдимотда сўзга чиққан Афғонистон маданият вазири ўринбосари М.Станакзай «Абрҳо» фильми афғон киночилари халқаро ҳамкорлигидаги муҳим қадам бўлганини таъкидлади ва «Ўзбектелефильм» студиясидаги ҳамкасбларга картинани яратишда кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

«Жаҳон» АА

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЭЛАККА КИРГАН ХОТИННИНГ ЭЛЛИК ОҒИЗ ГАПИ БОР

«Ўтга келган хотиннинг ўттиз оғиз гапи бор», «Икки хотин бош қўшса, бозор бўлади». Бу мақолларда аксарият кўпчилик хотинларга хос бўлган одат ифода этилган. «Хотин еттига чиқса, етти уйнинг калитини ола чиқади» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Баъзи хотин (еттига борса) ва умуман, бир кўчага чиққудай бўлса), шу баҳонада бир йўла бир неча жойларни ҳам айланиб, кўни-кўшнилари, таниш-билишлари билан бирпас-бирпас бўлса ҳам гаплашиб, кўнглини ёзиб келади», дейилмоқчи (Мақолда «еттига чиқса» дегани — «ўлган одамнинг «етти»сига, яъни азага борса», демакдир). Аксарият хотинларнинг бундай қилишлари — ўтмишда уйдан ташқарига онда-сондагина чиққанлари, «тўрт девор орасида» ўтираверишиб, сиқилиб кетганлари натижасидир, албатта.

ЭР-ХОТИН — ҚЎШ ҲЎКИЗ

Бу мақолда гарчи қўполроқ ўхшатиш қилинган бўлса ҳам, айтилмоқчи бўлган фикр теран: «Қўш ҳўкиз омочни баравар тортгани сингари, эр-хотин ҳам уй-рўзғор ишларини баравар қилиши, тирикчилик «юки»ни баравар тортиши, бир-бирига кўмаклашиши, ҳамкорлик қилиши керак».

Бу фикрни тўлдирувчи ва қувватловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Эр-хотин — қўш қанот», «Оила — қўш устунли айвон» (Бу билан мажозан: «Қўш устуннинг бири олиб ташланса айвон қулаб тушгани каби, эрсиз ё хотинсиз рўзғор ҳам — рўзғор бўлмай қолади», демоқчи бўладилар), «Хотин — бўйин, Эр — бош» (Бўйинни бошдан, бошни бўйиндан жудо қилинса, киши ҳаёти тугагани каби, эр хотиндан, хотин эрдан ажраса, оила инқирозга юз тутади», дейилмоқчи).

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш бош маслаҳатчиси Собир Қурбоновга онаси
Муҳаббат ая ҚУРБОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош маслаҳатчиси Собир Қурбоновга онаси
Муҳаббат ая ҚУРБОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 354
9389 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 22.30.
Topshirish vaqti — 22.45
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda